



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 5 август, № 154 (6848) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ҲАМ ИШТИРОКЧИ ТАЪМИНЛАШ — ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 август куни 2017 йилги Инвестиция дастурига киритилган йирик ва муҳим аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва йил якуни бўйича қўйилган натижалар, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Андижон вилояти ва пойтахтимизнинг Чилонзор туманига таширларига чоғида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, тегишли вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди. Видеоконференция алоқаси орқали Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кеңгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ҳамда идораларнинг ҳудудий тузилмалари, қорхоналар раҳбарлари, тадбиркорлар ва инвесторлар қатнашди.

Давлатимиз раҳбари инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ортиб боришини таъминлаш, юқори қўшимча қийматли, чуқур қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи янги замонавий қорхоналарни ишга тушириш — мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш, аввало, аҳоли ҳаёти ва фаровонлиги даражасини янада оширишнинг энг муҳим омилларидан бири эканини таъкидлади.

Президент ҳузуридagi Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ташкил этилган иқтисодиётимизга инвестиция жалб этиш масаласи нечоғли муҳим стратегик вазифалардан бири эканини яққол намоён этди. Йиғилишда ушбу Агентлик фаолиятини оқилона ташкил қилиш, аввало, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ҳаётига татбиқ этиш самарадорлигини оширишга, барча жараёнларнинг очик бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

2017 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ, жорий йилда 552 лойиҳа доирасида 7,2 миллиард АҚШ долларини ўзлаштириш ва 67 йирик лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Жумладан, 2017 йилнинг ўзидa умумий қиймати 2,4 миллиард долларга тенг 170 лойиҳа, жумладан, 16 йирик лойиҳа ижроси якунига етказилди.

Фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш натижасида ўтган 7 ойда 32 лойиҳа ижроси якунланди, йил охиригача яна 138 лойиҳани амалга ошириб, объектларни ишга тушириш юзасидан барча зарурий чора-тадбирлар белгиланди.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакат миқёсида ва жойларда айрим раҳбарлар инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда юзга келадиган муаммоларни тезкор ҳал этиш ва уларни кафолатланган молиявий манбалар билан таъминлашга юзак, маъсулиятсизлик билан ёндашадиганига эътибор қаратди.

Ўтган 7 ой мобайнида 27 лойиҳа бўйича маблағларни ўзлаштириш режадан ортда қолдиргани, 8 лойиҳа бўйича ҳужжатлар ҳалигача тасдиқланмагани каби танқидий мисоллар келтирилди.

Шу муносабат билан тармоқлар раҳбарлари ва лойиҳалар ташаббускорлари зиммасига мавжуд муаммоларни тезлик билан ҳал қилиш, суствашилик ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан аниқ вазифалар юкланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда юзга келадиган асосий камчиликларга тегишли ҳужжатлар пухта ишлаб чиқилмагани, қўйилган вазифалар тегишли тармоқлар ва соҳалар келажаги тўғрисида муйайин тасаввурга эга эмаслиги, яъни ўзи бошқарилган соҳанинг бир неча йилдан кейинги ривожланиш истиқболли ҳақида аниқ ҳисоб-китоб юритмаётгани сабаб бўладиганини қайд этди.

Бош вазир ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва ҳудудий ҳокимликлар раҳбарларига инвестиция лойиҳаларини ижроси устидан ҳафталик назоратни янада кучайтириш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш ва камчиликка йўл қўйган масъул шахслар фао-

У.А.

## «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИГА

Қадрли ватандошлар! Муҳтарам дўстлар!

Авалло, сиз, азизларни — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти тизимида меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчилар, курувчи ва муҳандислар, машинист ва вагон қўзғатувчилари, барча ходимларни юртимиз ҳаётида илк бор нишонланаётган кутлуғ сана — Темир йўлчилар куни билан чин қалбимдан самимий табриклаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Мустақиллик йилларида бутун мамлакатимиз қатори Ўзбекистон темир йўллари соҳаси ҳам оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли шакланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтди.

Ўтган даврда мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли ва самарали боғлайдиган, халқаро транспорт тармоқларига чиқишни таъминлайдиган, мустақил, ягона ва яхлит темир йўл транспорти коммуникациялари тизими барпо этилгани, ҳеч шубҳасиз, шу йўналишда эришган энг катта тарихий ютуғимиз бўлди.

Сизларга яхши маълум, ҳозирги вақтда юк ва йўловчи ташишнинг асосий қисми темир йўл соҳасига тўғри келади ва бу тармоқнинг иқтисодиётимизни ривожлантиришдаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Халқаро транспорт тизимларининг ажралмас қисми ва муҳим бўғини бўлган Ўзбекистон темир йўлларининг халқаро ташувлар тизимидаги роли янги босқичга кўтарилмоқда.

Қадим замонлардан буюн Буюк Ипак йўли ва қўйилган савдо йўллари тутаётган минтақада жойлашган Ўзбекистоннинг географик жиҳатдан ўта муҳим ўрни бу заминда турли цивилизация ва маданиятларро мулоқот ва ҳамкорлик алоқалари мунтазам амалга оширилиши учун қулай

имконият яратгани шубҳасиз, албатта.

Халқаро ҳамжамиятнинг эътирофи эътиҳа, Ўзбекистон Шарқ билан Ғарбни, Жануб билан Шимолни боғлайдиган улкан транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.

Ана шу салоҳият ва имкониятдан самарали фойдаланаётган «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг кўп миллатли жамоаси темир йўл транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, тақомиллаштириш ва реконструкция қилиш, темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш хавфсизлигини таъминлаш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Ўтган йиллар давомида темир йўлчиларимиз томонидан 1100 километрдан ортиқ янги темир йўллар барпо этилган, 4 минг километрлик темир йўл магистраллари модернизация қилинган, 1700 километрлик темир йўл боғламалари электрлаштирилгани таҳсинга сазовордир.

Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимиз иқтисодиёти учун гоят муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ва Амударё узра қурилган кўприкни ҳам қамраб олган Навоий — Учқудўк — Нукус — Султон Увайтоғ, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон ва Ангрэн — Поп темир йўлларининг бунёд этилиши билан Ўзбекистоннинг ягона ва мустақил темир йўл тармоғини шакллантириш ишлари якунига етказилганини таъкидлаш зарур.

Мураккаб тоғ ва иқлим шароитида бунёд этилган, денгиз сатҳидан 1800 метр баландликдаги тоғ чўққули орқали ўтган ва замонавий инфратузилма объектлари билан таъминланган, умумий узунлиги 346 километр бўлган Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон ҳамда Ангрэн — Поп темир йўллари Марказий Осиё минтақасида нобў иншоотлар ҳисобланади.

Айниқса, Ангрэн — Поп электрлаштирилган янги темир йўли

лоийҳасини амалга оширишда Ўзбекистон темир йўлчилари билан бирга, хитойлик мутахассислар ҳам катта ҳисса қўшганини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардим.

2016 йилда ишга туширилган ушбу темир йўл тармоғи Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан ишончли боғлаш имконини яратиш билан бирга, Хитой — Марказий Осиё — Европа янги халқаро транзит темир йўл тизимининг ажралмас ва муҳим бўғини бўлиб хизмат қилаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Янги темир йўлларнинг фойдаланишга топширилиши мамлакатимизнинг шимолий ва жанубий ҳудудларининг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш, минерал ресурслар, нефть ва газ, рангли металллар, қурилиш материаллари ва бошқа хом ашёга бой конларни комплекс ўзлаштириш, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиш, минг-минглаб юртдошларимизни иш билан таъминлаш имконини берадиган барчамизни хурсанд қилади.

Ана шу ишларнинг изчил давоми сифатида Мароқанд — Қарши темир йўли участкасида электрлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди, Қарши — Термиз темир йўли участкасини электрлаштириш ишлари жадал олиб боришмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг транспорт соҳасидаги хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида ҳаракатланадиган таркибни замонавий, юқори самарали локомотив ва қулай вагонлар билан таъминлаш ва модернизация қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Сўнги йилларда 49 та замонавий электровоз ва 10 та йўловчи ташийдиган тепловоз сойти олиниган, 120 та локомотив модернизация қилинган бу борадаги ишлар кўлами тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

«Қуов-механика заводи» шўба корхонасида ҳаракатланадиган

таркибни таъмирлаш базасини ривожлантириш, вагонсозликни ташкил этиш ва қуов корхонасини реконструкция қилишга қаратилган лойиҳани амалга ошириш жараёнида 26,5 минг тонна металл қуйиш қувватига эга бўлган қорхона ташкил этилди, янги юк вагонлари, кўп тоннали контейнерлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва юк вагонларини капитал таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари якунига етказилди.

Испаниянинг жаҳонга машҳур «Тальо» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, юқори тезликда ҳаракатланадиган «Агрослоб» электрпоездлари қисқа муддатда халқимиз ва хорижий меҳмонларнинг эътибори ва ишончини қозонди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Ҳозирги кунда ушбу поездлар пойтахтимиз Тошкент шаҳридан Самарқанд, Бухоро, Қарши каби тарихий шаҳарларимизга қатнамоқда, йўловчиларимиз вақтининг икки баробаргача қисқартирмоқда.

Ўтган даврда мамлакатимизда 16 та янги темир йўл вокзали бунёд этилди, 9 та вокзал реконструкция қилинди ҳамда йўловчиларга халқаро стандарт ва талаблар даражасида хизмат кўрсатиш имконини берадиган замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланди.

Мустақиллик йилларида темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш ва инфратузилмаларни ободонлаштириш мақсадида 7,5 миллиард доллардан ортиқ капитал қўйилмалар, жумладан, 2,4 миллиард долларлик хорижий инвестициялар йўналтирилди.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, йўл, энергия таъминоти, телекоммуникациялар, локомотивлар, вагон ва контейнерлардан фойдаланиш, йўловчи ташиш ҳўжаликлари, шунингдек, тармоқ лойиҳачилари, курувчилари ҳамда саннат қорхоналари мамлакатимиз темир йўл тизимини ривож-

лантиришга, унинг самарали фаолият қўрғатишга салмоқли ҳисса қўшаётганини миннатдорлик билан қайд этмоқчиман.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ташкил этилган кундан буюн юк ташиш ҳажми 2,1 марта, йўловчи ташиш ҳажми 2 баробар кўпайгани, темир йўллар орқали 1,4 миллиард тонна юк ташилиб, 350 миллион йўловчи ўз манзилга етказилгани сизларнинг фидокорона меҳнатингиз билан амалга оширилган ишлар салмоғи нақадар катта эканидан далолат беради.

Ўз таркибда 73 минг нафар юқори малакали инженер-техник ходим ва мутахассислар, йўлсозлар, машинистларни, саннат, лойиҳа ва қурилиш қорхоналари, ижтимоий инфратузилма объектларининг ишчи ва хизматчиларини бirlаштирган меҳнат жамоаси, ҳеч шубҳасиз, тармоқнинг бунёдкор кучи, бебаҳо бой-лидир.

Айнан ана шундай ўз касбига садоқатли ва фидойи юртдошларимизнинг сидқидилдан қилаётган самарали меҳнати, билим ва тажрибаси туфайли темир йўл тармоғи халқимиз ўртасида ҳақли равишда обрў-эътибор, ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлиб келмоқда.

Ҳурматли темир йўл транспорт ходимлари! Сизларни бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, фидокорона меҳнатингиз, Ватанимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида қўшаётган муносиб ҳиссангиз учун самимий миннатдорлик билдираман.

Барчангизга сihat-саломатлик, бахт ва омад, эзгу ишларингизда янги-янги муваффақиятлар, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### МАМЛАКАТИМИЗ ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз темир йўл транспорти соҳасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, тармоқни замон талаблари асосида ривожлантириш, минтақа ва жаҳон миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, республикамизда темир йўл транспорти коммуникацияларининг мустақил, ягона ва яхлит тизимини яратиш, халқаро стандарт ва талабларга мос янги темир йўлларни барпо этиш, тармоқнинг барқарор ва самарали ишлашини таъминлаш ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар фахрий унвон, ордон ва медаллар билан тақдирлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»

Исмаилов Халмурат — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Тоштемирйўллойиҳа» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

«Фидокорона хизматлари учун ордени билан

Шайманов Абсатқан Бозорович — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Термиз

темир йўл масофаси йўл таъмирловчиси, Сурхондарё вилояти

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Абдуллаев Нусратилло Садуллаевич — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар қорхонаси бош директори

Рабинов Тошқуват Шодиярович — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Самарқанд темир йўл масофаси кўприк устаси, Самарқанд вилояти

Ҳасилов Хуснутдин Нуриддинович — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бош менежери — бош муҳандиси

Цой Виктор Робертович — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «406-ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж поезди» унитар қорхонаси бошлиғи

«Дўстлик» ордени билан

Сағдуллаева Элмира Шавкатовна — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи» акциядорлик жамияти етакчи муҳандис-технологи, Тошкент шаҳри

Ҳолмаматов Али Султонович — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Қарши электр таъминоти қорхонаси электромеханиги, Қашқадарё вилояти

«Шухрат» медали билан

Ганиев Полат Бегдудович — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Қўнғирот локомотив депоси тепловоз машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

Рустамов Рустам Бекназарович — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Бухоро алоқа ва ишорат масофаси участка бошлиғи, Бухоро вилояти

Эгамов Маруф Мирзахмедович — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Қўқон вагон депоси вагон йиғув цехи бригада бошлиғи, Фарғона вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 4 август

## Тараққиётнинг «пўлат из»лари



Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида»ги Фармони билан август ойининг биринчи яқшанбаси «Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини» деб эълон қилинди.


### «ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!»

Ушбу ҳужжатда қайд этилганидек, темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, мураккаб тоғ ва чўл шароитларида янги темир йўлларни барпо этиш, тезорар поездлар ҳаракатини ташкил қилиш, линияларни электрлаштириш, юк ва йўловчи вагонларини ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилган йирик лойиҳалар транспорт инфратузилмасини ривожлантириш баробарида, мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мазкур йўналишдаги ишларга, хусусан, темир йўл тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган.

(Давоми 2-бетда).

# Тараққиётнинг «пўлат из»лари



Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Бунинг натижасида таши- лаётган юк ва йўловчилар ҳамма ортиши билан бирга, ҳудудларимиз янада обод, аҳоли турмуши эса тобора фарвон бўлиб бораёпти. Чунки транспорт кириб борган жойларда бошқа инфра- тузилма объектлари ҳам юзага келиши, ривожланиши аниқ ҳақиқат. Бинобарин, ушбу тармоқдаги ҳар бир лойиҳа кенг қамровли ва аниқ мақсадларга қаратил- ган. Масалан, ўтган вақт мо- байнида Навоий — Учкудук — Нукус — Султон Увайстог, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрган темир йўл линия- лари ишга туширилиши, Аму- дарё устидан маҳобатли кўприк қурилиши, Қамчиқ до- вони орқали пойтахтимиз ва водий виллоятларига поезд- лар қатнови йўлга қўйилиши билан республикамизда яо- на миллий темир йўл тизи- ми вужудга келди. Темир- йўлчиларимиз томонидан барпо этилган кўприклар, пойтахтимизда бугунги кун- га келиб шиддат билан қури- лаётган метро юртимиз аҳлига янада қўлайлик яратиши, шубҳасиз. Тизим корхоналарида тайёрланаёт- ган маҳсулотлар эса бу каби юмушларни ўз вақтида сифатли бажаришда қўл келаяпти.

Мамлакатимиз темир йўл транспортини ҳодимлари касб байрамнинг тантанали қисми пойтахтимиздаги

лойиҳалар рўёбга чиқариш- моқда.

Бунга мисол сифатида шу кунларда Бухоро — Мискин, Урганч — Хива янги темир йўл линияларини қуриш борасидаги ишларни келти- риш мумкин. Зотан, уларнинг иқтисодий ва барқарорли- ги ва халқимиз фаровонли- гини таъминлашдаги аҳамия- ти ниҳоятда юқори.

Худди шундай «Ўзтемир- йўлчилар» акциядорлик жа- мияти буюртмаси асосида «Боштранслойс» акциядор- лик жамияти ҳамда «Қурилиш Универсал Компакт Сервис» масъулияти чекланган жамия- ти томонидан Тошкент — Жанубий темир йўл вокзали биноси ва перрони рекон- струкция қилиниб, вокзал



лойиҳалар рўёбга чиқариш- моқда. Бунга мисол сифатида шу кунларда Бухоро — Мискин, Урганч — Хива янги темир йўл линияларини қуриш борасидаги ишларни келтириш мумкин. Зотан, уларнинг иқтисодий ва барқарорлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашдаги аҳамияти ниҳоятда юқори. Худди шундай «Ўзтемир-йўлчилар» акциядорлик жамияти буюртмаси асосида «Боштранслойс» акциядорлик жамияти ҳамда «Қурилиш Универсал Компакт Сервис» масъулияти чекланган жамияти томонидан Тошкент — Жанубий темир йўл вокзали биноси ва перрони реконструкция қилиниб, вокзал

муносиб меҳнатлари билан нусоиб ҳисса қўшишаётир. 2017 йилнинг биринчи ярми- да ўтган йилнинг шу даври- дагидан 152,3 минг нафар кўп, жами 10,9 миллион йўловчилар ўз манзилига ет- казилди. Юк ташиш ҳамма эса 33,1 миллион тоннани ташкил этди. Тизим корхо- наларида таққослама нарх- ларда 218,2 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилгани, Махал- лилаштириш дастурига кир- тилган 46 та лойиҳа бўйича қўллаб-қўллаш маҳсулот ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани, айниқса, қуварларидир.

Таъкидлаш керакки, жо- рий йилда «Ўзбекистон те- мир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 806,08 миллион АҚШ доллари миқдорида ин- вестиция ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлса, амал- да улар белгиланган мuddат- ларда жалб этилиб, йирик

рида салқин ичимликлар савдоси билан шуғулланув- чи кўча савдо пунктлари, газета ва журналлар киос- каси, Wi-Fi интернет хизма- ти, электрон кутубхона ҳамда миллий совғалар шо- хобчаси ўрин олади. Бундан кўзланган асосий мақсад йўловчиларга кўпроқ қўлай- лик яратишдир.

Бугун темир йўл тизими- да жадал олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини ку- затиб беҳад қувонсан, киши. Негаки, бунинг орти- дан қанчадан-қанча ҳудуд- лар обод бўлади. Аҳоли бандлиги таъминланиб, са- ноат тармоқлари кенгайди. Темир йўлларда ташувчан- лик имконияти ошди. Одамлар ҳаёт даражаси янада юксалади. Тармоқда- ги лойиҳалар истиқболда ана шундай эзгу мақсадлар- га хизмат қилиши билан залворлидир.

Тадбирда Президентимиз Фармонига асосан, бу каби эзгу ишлар рўёбидида фидокорона хизмат қилаёт- ган бир гуруҳ темир йўл транспортини ҳодимларига давлатимизнинг юксак му- кофотлари топширилди.

Давлатимиз раҳбари Фармони тўғрисида темир- йўлчилар байрами илк ма- ротаба расман нишонла- наётгани барчамизнинг қалбимизда катта ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғот- ган бўлса, давлат мукофо- ти билан тақдирланганлар орасида борлигим мен учун катта бахт, — дейди «Меҳ- нат шухрати» ордени соҳи- би, «Ўзтемирйўлмаштаъ- мир» унитар корхонаси бош директори Нусратилло



Худуди ободонлаштирил- моқда.

Замонавий архитектура ютуқларига асосан тасдиқ- ланган лойиҳа ҳужжатлари доирасида олиб борилаётган ишлар унинг қиёфасини мут- лақо ўзгартириб юборди. Янги вокзалда қутиш ҳамда VIP заллари, она ва бола хо- наси, тиббиёт пункти, тамад- дихона, хаттоки, меҳмонхо- на ҳам ташкил қилинади. Вокзалдан, қолаверса, поездлар келиб-кейтиш дав-

Абдуллаев. — Президентимиз томонидан йўланган таби- рик эса биз, темирйўлчи- ларга катта ишонч билди- рилаётганидан далолатдир. Бу ишонч оқлаш ҳар би- римизнинг бурчимиздир. Тантанали тадбирда иш- тирокчилар учун концерт дастури намойиш этилди.

Дилшод УЎЛҒМУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири, Хосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## МУНОСАБАТ

Жорий йилнинг 3 август санаси мамлакатимиз ижодкор зиёлилари ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолиши, шубҳасиз. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг миллий маданиятимизнинг кўзга кўринган намоёндалари, атоқли шоир ва адиблар, театр, кино, musiқа санъати соҳасининг таниқли ҳамда ёш вакиллари, санъатшунос олимлар, журналистлар билан самимий руҳда кечган учрашувдаги маърузасида халқимизнинг аниқ дилидаги гаплар айтилди. Маданиятимиз ва санъатимизнинг ривожланиш жараёнлари ҳолисона, танқидий баҳолалиб, ўз ечи- минини кутаятган долзарб муаммолар ҳамда уларни бартароф этиш ҳақида атраф- лича фикр юритилди. Эртанги кунимиз, фарзандларимиз иқболини ўйлаб билди- рилган мулоҳазалар шу азиз ва жонон Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси ҳаёти- га дахлдорлиги билан аҳамиятлидир. Юртдошларимиз бу борада ўз муносабатларини изҳор этишмоқда.

## Машаққатли ва шарафли меҳнат масъулияти

**Анвар ОБИДЖОН, Ўзбекистон Республикаси халқ шоири:**

— Мамлакат тараққиёти, одамлар турму- шидидаги фарвонлик, навқирон авлодга на- мунали таълим ва тарбия бериш бевосита маънавиятга, маърифатга эътибор билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, давлатим- из раҳбарининг ижодкор зиёлилар вакил- лари билан учрашувдаги маърузаси юртингиз эртанги ривожини, маънавий юксалишга қаратилган ўта муҳим масалаларни ўзда муҳассас этгани билан барчамизда катта таассурот қолдирди. Чуқур мушоҳадага ун- дади. Очиғи, ҳали-ҳануз ўша учрашув таъ- сиридаман. Айниқса, Президентимиз ёзу- чи ҳамда шоирларини фаол ижод қилишга ундаб, улар учун барча шарт-шароитни яратиб берамиз, деганлариди бошимиз кўкка етди. Юртбошимиз қўллаб-қўллаган раҳ- бари қатори мени ҳам мамлакатимиз, хусусан, Фарғона водийсида рўй бераётган бугунги ўзгаришлар ҳақида асарлар ёзишга чорла- ганларидан беҳад қувондим. Бу аниқ пайт- да жуда катта масъулиятдир. Менимча, ҳеч қайси давлатда мамлакат раҳбари томони- дан ижодкор аҳлига бу даражада юксак эътибор берилмас керак.

Инсон ҳар доим эзгу ният билан яшайди. Яхшиликни дилига тугиб, жамиятга, юртга наф келтириш мақсадида бошланган хайрли амаллар, албатта, ўз самарасини беради. Президентимиз маърузасининг бутун вужуди- ми билан эшитиб, ана шундай ишонччи ҳис қилдик. Бу ишонч эса бизга чексиз илҳом бағишлайди.

**Женисбек ПИЯЗОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист:**

— Халқимиз санъаткорни эъзозлайди, яхши кунлариди, тўйлариди уларни қаҳриб, завқланади. Лекин хонанданинг вазифаси фақат тўйларга бориб, ўзининг манфаатини ўйлаши мутлақо нотўғри. Вазифамиз — биз- ни ардоқлаётганларга муносиб бўлиш. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимиз раҳбарининг маърузаси биз, санъаткорлар учун юксак тарбиявий аҳамият касб этди. Президентимиз мазкур кишида бугунги қўшиқчилик савияси, тўйдан тўйга югуради- ганлар ҳақида куйинчилик билан гапирди- ган. Устозларимизнинг ҳаётдан аниқ мисоллар келтириб, уларнинг унвон олиш- лари, танилишлари учун қанчалар кўп заҳмат чекканини айтиб ўтиди.

Тўғриси, мен бу учрашувдан бир олам таассурот олдим, билмаганларимни билдим, таъсирландим. Ҳақиқатан ҳам, биз эътибор- даги, назардаги кишиларимиз. Шундай экан, нафақат қўшиқларимиз, клипларимиз, балки юриш-туришимиз, хулқимиз билан ҳам бошқаларга намуна бўлишимиз кераклиги- ни англаб етдим.

**«Халқ сўзи» мухбири Мақсуд ЖОНИХОНОВ ёзиб олди.**

**Фатхулла МАЪСУДОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Ўзбек Миллий академик драма театри директори:**

— Давлатимиз раҳбарининг маърузасини катта мамнуният билан тингладик. Президентимизнинг ҳар бир сўзида зиёли- ларга бўлган ҳурмат ҳамда эҳтиром ифода- ланганидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Ай- ниқса, мана бу сўзлардан жуда таъсирлан- дик: «Инсон қалбини, унинг дарду ташвиш- ларини, халқнинг орзу-интилишлари, Ватан- га муҳаббат ва садоқат туйғусини бетакор- сиз, оҳанг ва рангларда тараннум этишни ўз ҳаётининг маъно-маъноси деб билади- ган сиз, муштарам ижод аҳлининг меҳнати нақадар маънаватли, масъулиятли ва ша- рафли эканини барчамиз яхши биламиз.

Мен сизларнинг кўпчилигингизни узоқ йиллардан бунён қийнат танийман, асарла- рингизни ўқиганман, сизлар яратган куй- қўшиқларни, картиналар, фильм ва спектакл- ларни доимо катта қизиқиш билан тинглаб, лан юзага келаётган муаммолар мамла- катга ёш ва малакали кадрларни жалб қилиш орқали ҳал этилаёпти. Бу, ўз навбатида, аҳоли сони ўсишига ҳам замин яратаётди. Ўтган йили ўтказил- ган тадқиқотга кўра, Америкадаги ком- паниялар айнан мигрантлар меҳнати эвазига инновация соҳасидаги етакчи- лик мавқеини эгалламоқда. Ахборот технологиялари соҳасидаги компания- ларнинг даромадларида мигрантлар ташкил қилган «старт-ап»лар асосий ролни ўйнаган.

Аммо ўтган йилдан бошлаб Америк- да демографик вазият салбий тараф- га ўзгара бошлади. 2016 йилги ҳисоб- китобларга кўра, мамлакат аҳолиси буюк турғунлик давриддан бери бирин- чи марта паст суръатларда кўпая бош- лади, Нью-Йорк штати аҳолисининг сони эса сўнгги ўн йилда илк мартабага қайтди. 2016 йилда мамлакатга қарийб бир миллион мигрант келган. Бу 2015 йилдагига қараганда 4 фоиз камдир.

**Европада** аҳолининг қариш жараё- ни аллақачон бошланган. Минтақа мам- лакатлари ўртасида ўзаро миграцияга тўғри қарашади. Аммо сўнгги ўн йил- да «қўнға қитъа»га Осий, Африка- дан мигрантлар оқими жадаллашди. Уларнинг аксарияти қисми қонуний мигрантлар эканлиги ҳам ҳеч қиммас сир эмас. Биргина 2015 йилда ГФР канц- лери Ангела Меркель қаҳриғидан сўнг Европада бир миллион нафардан ортқ сурияликлар интилди. Шу даврдан бош- лаб Европа учун миграция муаммоси жиддий тус олди. Иттифоққа аъзо мам- лакатлар мигрантларни тақсимлаш бо- расида ўзаро келиша олмапти, миг- рантлар оқимига маҳаллий аҳолининг норозилик билдираётгани ҳам «попули- стик» сивасатчилар оммалашшига олиб келаяпти. Улар миграцияни чеклаш, шу- нингдек, Европа Иттифоқидан чиқ- шиш масаласини кун тартибига олиб чиқиш- моқда. Европадаги миграцияга қарши қайғити Халқаро валюта жағғармиси томонидан ҳам кескин танқид қилинди. Молия муассасаси ишонч билдириши- ча, меҳнат мигрантлари иқтисодийга ёрдам беради. Улар бюджет учун ҳеч қанақасига оғир юк бўлиб тушмайди.

Аммо Германияда ҳукумат ҳар бир ми- грантга йилига 1800 евро сарфлайди, бу мигрантлар тўлаётган солиқлардан қўлиб.

**Япония** дунёнинг энг ривожланган давлатларидан биридир. Аммо Қунчи- қар мамлакат анчадан бери турғунли ва аҳоли сони қайишиши, меҳнат кучлари қариши ҳамда ишчи кучи етишмаслиги муаммосига тўқнаш келмоқда. 2015 йил якунларига қараганда, мамлакат аҳоли- сининг 27 фоизи 65 ёшдан ошган ки- шиларни ташкил қилади. Агар ушбу тен- денция сақланиб қоладиган бўлса, бир неча ўн йиллардан сўнг фуқароларнинг маъзур ёш қатлами мамлакат аҳолиси- нинг тахминан 40 фоиздан ортигини ташкил қилади. Меҳнат бозорига эса 8,5 миллион ишчи кучи тақчиллиги юза- га келади. Прогнозлар мамлакат аҳоли- си 2060 йилга бориб, уч баравар қайишиши кўрсатаёпти.

Шу боис ҳам Япония меҳнат мигрант- ларини жалб қилишга алоҳида эътибор қарата бошлади. Жумладан, ўтган йили уларнинг сони 19 фоиз ўсиб, бир ми- ллион кишига етди. Аммо бу рақамдан мутасаддиқларнинг кўнгли тўлмаёпти. Уларнинг фикрича, мигрантлар оқими- ни ошириш орқалигина вазиятни ўнглаш мумкин бўлади.

**Хитой** ўтган 40 йил давомида режал- — «бир оила — бир фарзанд» сивсати- ни қатъий олиб борди. Бу алоқубат аҳолининг қаришига, меҳнатга лаёқат- ли фуқаролар сонининг қайишишига олиб келди. Бу эса иқтисодийга сал- бий таъсир кўрсата бошлади. 2015 йил- нинг охирида мазкур чеклов бекор қилинди. Натижада ўтган йили сўнгги 20 йил давомида рекорд даражада турғунли кайд этилди. Мамлакатда 17,8 миллион чақалоқ дунёга келди. Шундай бўлса-да, аксарият хитойлик оилалар иккинчи фарзанд кўришга тайёр эмаслигини билдирмоқда. Аҳо- лининг фикрича, гарчи мамлакатда ўли- м турмуш даражаси яхшиланиб бўлса-да, моддий муаммолар бу борада қарор қабул қилишга тўқсунлик қилади.

Жорий йилнинг март ойида мутасад- ди давлат қўмитаси мамлакатда ота- оналарини иккинчи фарзанд учун янги рағбатлантириш тизимини амалийга

# ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР

## ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Инсоният тарихида аҳоли сони, одатда, жуда паст суръатларда ўсиб келган. Биргина XIX асрнинг бошига келиб кўрраи замин нуфуси бир миллиард кишидан ортгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Ўтган асрнинг 20-йилларида эса аҳоли сони 2 миллиард кишилик маррани босиб ўтди. Албатта, тиббиёт ва қишлоқ ҳўжалиги ривожланиши бунда муҳим омили бўлди. Кейинчалик бу жараён жадаллашиб борди. 1960 йилда дунё аҳолиси 3 миллиардга, 2011 йилда эса 7 миллиард кишига етди. Жорий йил аввалида мазкур кўрсаткич 7,5 миллиардга чиқди. БМТ прогнозларига кўра, 2024 йилга бориб дунё аҳолиси 8 миллиард, 2038 йилда 9 миллиард ҳамда 2056 йилда эса 10 миллиард нафардан ортиши кутуляёпти.

### ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Бу эса узоқ истиқболда бошқа му- аммоларнинг юзага келишига сабаб бўлаяпти. Масалан, «Morgan Stanley» экспертлари фикрича, меҳнатга лаёқат- ли аҳоли сонининг ўсиши иқтисодий тараққиёт топан жойларда сустаймоқда. Ваҳоланки, жаҳон ялли ички маҳсуло- тда уларнинг улуши 78 фоизни таш- кил қилади. 2016 йилда бу кўрсаткич йилга 1 фоиз (бу 20 йил давомида ўртача 1,6 фоиз эди) атрофида бўлди. Дунёда 55 — 64 ёшдаги ҳодимлар сони сўнгги 10 йилда 13 фоиздан 15 фоизга кўпаяди. «McKinsey» мутахассислари таҳлилларига қараганда, қариш оқибат- ларини қоплаш, ижтимоий мажбурият- ларни бажариш учун жаҳонда ўртача меҳнат унумдорлиги 1,8 фоиздан 3,3 фоизга жадал ўсиши лозим. Аммо меҳ- нат унумдорлиги бугунги кундаги дара- жада сақланиб қолинанидан бўлса, дунё иқтисодийнинг ўсиш суръати 1,4 ба- равар, яъни 2 фоиз пасайиши мумкин.

### Номутаносиблик сақланиб қолмоқда

Аммо турли мамлакатларда турғунли- ш, аҳолининг ёш бўйича таркиби ва тур- муш даражаси бир хил эмас. Таҳлил- чилар буни фарзанд таълим-тарбияси учун харажатлар юқориллиги, шунингдек, жамият ҳаётида аёлларнинг ҳаддан ташқари бандлиги, яъни ишдан сўнг уларда оилага вақт қолмаётгани билан боғлашади. Америкалик айрим экс- пертларнинг фикрича, Фарбий Европа- нинг қўллаб-мамакатлари ва Япония-

да 15 яшаргача бўлган болалар ҳамда 64 ёшдан ортқ кишиларга нисбатан меҳнатга лаёқатли аҳолининг улуши юқори бўлган босқинчи босиб ўтди. Аниқ пайтда аксарият ривожланган мамлакатларда бунинг аксини кузатиш мумкин. Турмуш даражаси бирмунча паст, турғунли сони эса кўп, тиббий хиз- матларнинг яхши тараққиёт этмаганили- ги тўғрисида ўлим ҳолатлари ҳам юқори. Шу боис аҳолининг меҳнатга лаёқатли таркиби бирмунча ёш ҳисобланади. Бу ҳолатда неғадир қаратилаяпти, бунга маблағ ҳам, аёлларда эса оила учун вақт ҳам топилади. Аммо ривожланаёт- ган давлатлар ҳам иқтисодий тараққи- ёт ва аҳоли турмуш сифати даражаси ўсиши билан бу борада ривожланган мамлакатлар изидан бораётганини ку- затиш мумкин. Хатто Хитойда 2013 йил- да меҳнатга лаёқатли аҳоли ва 15 йил- га ҳамда 64 ёшдан катта кишилар нис- баати юқори нуктани босиб ўтди. Аммо ривожланаётган мамлакатларда кекса ёшдаги кишилар сонининг ортиши ҳали иқтисодий тараққиёт учун жиддий му- аммо бўлаётгани йўқ.

### Ўзига тўқ мамлакатларда аҳоли қаримокда

Умуман, демографик вазият тобора глобал хусусият касб этмоқда. Чунки айрим мамлакатларда яхши пул ишлаб топиш мумкин, аммо уларда ишчи хо-

димлар етишмаяпти. Бошқаларида эса ёш ишчилар кўп, аммо пул топиш то- бора қийинлашиб бораёпти. Бундай но- мутаносибликни қоплаш механизми мавжудлигини айтиш жоиз. Бу ҳар хил кўринишдаги меҳнат миграцияси ҳисоб- ланади.

Миграция барча даврда бўлган. Инсониятнинг Африкадан бошқа қитъа- ларга кўчиб ўтиши, халқларнинг буюк кўчиши, Европа мамлакатларининг мустамлакачилик сивсати, бугунги кун- даги меҳнат мигрантлари ва қочқолар оқими бунга яққол мисолдир. Шақлан турлича бўлса-да, моҳияти битта: қаер- да яшаш шароити яхши бўлса, одам шу ерга интилади. Қўнчиликка ёқадим- ми, йўқми — бу табиий жараён. Дунё микёсида меҳнат бозоридида ному- таносибликни тенглаштириш ўз сўзини аятапти. Миграция бугунги кунда на- фақат иқтисодий, аниқ пайтда сивсий омилга ҳам айланди.

Хозирги кунда 244 миллиондан ортқ киши ёки дунё аҳолисининг 3,3 фоизи ўз Ватанида яшамайди. Европа ва Шимолий Америкада дунё аҳолисининг 15 фоизи истикомат қилса-да, мигрантларнинг ярмидан кўпи ушбу минтақаларга тўғри келади. Улардан 20 фоизи АҚШда яшаса, кейинги ўрин- ларни Германия, Россия эгаллайди. Уларнинг ҳар бирида жами мигрантлар- нинг 5 фоизидан истикомат қилади. Эмигрантларнинг энг катта қисми Хиндистон (16 миллион), Мексика (12 миллион) ва Хитой (10 миллион) ҳиссасига тўғри келади. Халқаро мигрантларнинг аксарияти меҳнатга ла- ёқатли кишилар ҳисобланади. Уларнинг пул ўтказмалари иқтисодий ривожла- нишда муҳим аҳамият касб этади. Чун- ки ҳисоб-китобларга кўра, 2015 йилда меҳнат мигрантлари томонидан ўз ва- танларига 441 миллиард доллар юбо- рилган. Бу тараққиёт мақсадида ажра- тилаётган расмий ёрдам ҳамидан кўп бўлиб, ривожланаётган мамлакатларга жалб қилинаётган тўғридан-тўғри инвестицияларнинг қарийб учдан икки қисмига тенгдир.

АҚШ демографик нуктан назардан бирмунча қўлай мамлакат саналади. Бу ерда аҳолининг қариши муносабати би-

**Виктор АБАТУРОВ, Иқтисодий тадқиқотлар маркази бош илмий ходими.**

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ҲАЁТДАН УЗИЛИБ ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК

Мамлакат келажаги, тараққиёти таълим тизими ривожига бевосита боғлиқ. Соҳани ислоҳ қилмасдан, юқори малакали кадрлар тайёрлашни мукамал тизимини шакллантирмасдан туриб кенг қўллади ўзгаришларни амалга ошириш, жамият ҳаётини изчил янгилаш бўйича саъй-ҳаракатлар самарадорлигига эришиш мушкул вазифа ҳисобланади. Бугун таълим тизими сифатини тубдан юксалтириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар, қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар

замирида ҳам мана шу ҳаётий ҳақиқат мужассам, десақ, асло янглишмаймиз. Биргина мисол, ўтган ҳафтанинг ўзида Президентимизнинг соҳага оид битта Фармони, учта қарори қабул қилинди. Албатта, буларнинг барчаси, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, яхши ҳаётдан бўлаётгани йўқ, аксинча, қундалиқ турмушда муаммолар кўплиги ва уларни ҳал этиш зарурати шуни тақозо қилмоқда. Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги мажлисида ушбу масалалар кизгин муҳокама этилди.



грантлари ҳисобидан стипендиатларнинг чет эл таълим ҳамда илмий муассасаларида малака оширишлари, стажировка ўташлари ва таълим олишлари ташкил этиш билан боғлиқ ҳаракатлар қоланди. "Бизнинг 14 йиллик фаолиятимиз мобайнида тахминан 12 млрд. сўм атрофида маблағ сарфланган бўлса, ҳозир бир йиллик дастурни амалга ошириш учун тахминан 40 — 42 млрд. сўм ажратиш ҳақида гап бормоқда", деди А. Пардаев.

Бундан ташқари, аввалги тажрибалардан ҳулоса қилган ҳолда, ҳорижда тахсил олганлар ўзбекистонга қайтганларидан кейин иш топиш муаммосига дуч келмасликлари учун улар ўқишга юборилмасдан олдин бу масала ҳал этилаётти. Бунда ҳорижда ўқишга номзод ишлаб чиқариш бирлашмаси, корхона ёки фирма бюрократси ва қайтиб келган, унда ишлаши борасидаги аниқ режасига асосан юборилади.

Иккита олий таълим муассасаси: талаб ва эҳтиёж  
Тошкент вилояти юқсак иқтисодий салоҳияти, улкан табиий ва инсоний ресурслари, ривожланган транспорт коммуникациялари билан мамлакатимиз тараққиётида етакчи ўрин тутди. Худудда кимё саноти, нефть-кимё, қора ва рангли металлургия, электротехника, машинасозлик ҳамда металлургия қайта ишлаш каби замонавий санот

ажралмаган ҳолда филиалда тахсил олишлари мумкин. Бунда 75 нафар кечки, 75 нафар сиртки таълим шаклларида қабул квоталари белгиланди. Албатта, кўпчилик Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил қилишга қандай зарурат бор эди, деган савол туғилиши табиий. Бугунги кунда Тошкент вилояти халқ таълими тизимида 1348 та таълим муассасаси, жумладан, 406 та мактабга таълим муассасаси, 871 умумий ўрта таълим мактаби, 2 та Мехрибонлик уйи, 31 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 19 та "Баркамол авлод" маркази, 19 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори вилоятдаги мактабга, мактаб ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячилар, бошланғич синф ўқитувчилари, айнақса, аниқ фанлар ва чет тиллари бўйича ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжини қондириш, туманлар ҳамда қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида қабул қилинди. Мазкур олий таълим муассасаси Халқ таълими вазирлигига бўйсунди.

Халқ таълими вазирлиги Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи Дилшод Кенжаевнинг айтишича, институтга 2017/2018 ўқув йили учун 750 та қабул квотаси ажратилди. Мазкур институтга 1 август тест синаволари ўтказилмаганини ҳисобга олганда, бу масала қарорда ўз аксини топганини кўришимиз мумкин. Яъни талабалар контингенти Тошкент вилоятида доимий яшайётган Тошкент давлат педагогика университети ва бошқа турдош олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириб, тўлов-контракт квоталари доирасида тушмаган абитуриентлар ҳисобидан шаклланди. Бунда вилоят туманлари таълим муассасалари эҳтиёжлари инобатга олинади. Келгуси ўқув йилидан бошқа олий таълим муассасалари сингари одатдаги тартибда қабул амалга оширилади. Институтда 18 та йўналишда таълим олинади.

Халқаро пресс-клуб мажлисида, шунингдек, 1 август кунги бўлиб ўтган тест синаволари, 11 йиллик ўрта таълим тизимини жорий этишга тайёргарлик ва бошқа масалалар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Қобил ХИДИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ХАЛҚАРО ПРЕСС-КЛУБДА

### Иш берувчи таълим мазмунини белгилайди

БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича қўмитаси (UNESCO) ҳамда консалтинг ташкилоти (DGP Research & Consulting) ҳамкорлигида жалб қилинган нуфузли хорижий экспертлар гуруҳи томонидан 2017 йилнинг январь — июнь ойларида юртимиз таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижаларининг ҳулосаларига кўра, олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмагани, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмагани оқибатида айрим битирувчилар ишга жойлашадиган кундан кунга кўра, мутахассислигини қўшимча ўрганаётгани келтирилди. Шунингдек, таълим сифатининг назорати замонавий талабларга жавоб бермаслиги, таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги, хорижий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганилиги каби камчиликлар акс этган.

Мамлакат раҳбарининг шу йил 27 июлдаги қарори мазкур соҳадаги муаммоларни амалий ҳал қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Қарорга мувофиқ, жорий ўқув йилидан олий таълим муассасалари талабаларининг тегишли таълим йўналишлари бўйича муайян ташкилотлар ҳамда корхоналарда малакавий амалиётлари тизимли равишда ўтказилиши, шунингдек, уларнинг амалий машғулотларини бевосита ишлаб чиқаришда ташкиллаштириш ва битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича аниқ чоралар кўриш белгилаб қўйилган.

### Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Иномжон Мажидовнинг маълум қилишича, қарорда таълим мазмунини бугунги кундаги амалиётга мослаштириш талаби яққол акс этган.

Яъни таълим мазмунини шакллантиришда бюрократчилик — ишлаб чиқарувчи иштинроқи керак бўлади. Содда қилиб айтганда, иш берувчи қандай кадр кераклигини айтганда, олий таълим муассасаси эса ўша талаб асосида ўқув жараёнини ташкил қилади.

### Хорижда малака оширган мутахассис ўзбекистонга қайтадими?

Бугунги глобаллашув жараёнида хориж таълим олишнинг юқори рақобатдош мутахассислари етакчи беришини мўҳим шартлардан бири — ёш кадрларнинг хорижий олий таълим муассасаларида, илмий марказларида ҳамда йирик ишлаб чиқариш компанияларида малака ошириши ҳисобланади. "Ўзга кўйган қатгини ҳам пуфлаб ичади", деганларидек истиклолнинг дастлабки йилларида хорижда ўқишга юборилган ёшлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилмагани, қолаверса, уларнинг аксарияти Ўзбекистонга қайтмаганини кўпчилик яхши билади. Хўш, давлатимиз раҳбари Фармони билан қайтадан тузилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш "Истеъдод" жамғармаси фаолиятида ушбу муаммага қандай ечим изланмоқда?

Мазкур жамғарма ижрочи директори

### ри Абдунаби Пардаевнинг айтишича, авваламбор, ташкилотнинг ҳуқуқий мақоми ўзгарди.

Илгари у нодавлат но-тижорат ташкилоти сифатида фаолият юритган бўлса, эндиликда жамғарма давлат муассасаси мақомига эга. Айни пайтда унинг фаолият мазмунини ва кўлами ҳам кенгайди. Масалан олдин жамғарма фақат таълим йўналишида педагог кадрларнинг қисқа муддатли малака оширишларини таъминлаш билан шуғулланган бўлса, эндиликда малака муддатлари янада узайтирилди. Иқтисодий тармоқлари, давлат ва жамоат тузилмаларининг хозир ҳамда келажакда юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун танлов асосида саралаб олинган олий таълим муассасаларининг иқтидорли битирувчиларини, шунингдек, республика иқтисодиёти тармоқларининг малакали кадрларини дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи таълим ва илмий муассасаларида магистратура ҳамда PhD дастурлари бўйича тайёрлаш ташкил этилади. Бундан ташқари, олий таълим тизимидаги мақсадли дастурларга мувофиқ, келажакда 4000 га яқин педагог-ўқитувчи ҳамда илмий ходимларнинг малакаси оширилади.

Жамғарма фаолиятини самарали йўлга қўйишда асосий масала, албатта, маблағга бориб тақалади. Президентимиз Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва табиёт муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ресурсларининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдориди маблағлари, шунингдек, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳоимийлик ёрдамлари, халқаро молия институтини ва хорижий ташкилотларнинг

"Тараққиёт стратегияси" марказида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.



## «Тараққиёт стратегияси» марказида қонун лойиҳаси муҳокама этилди

Тадбирда қайд этилганидек, Ҳаракатлар стратегиясида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мўҳим устувор йўналиши ҳамда мақсади сифатида белгилаб берилган. Айни пайтда Вакил фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатлари, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш тизимидаги ўрни ҳамда аҳамиятини янада кучайтириш бўйича тизимли ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, жорий йил 31 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий қонунга биноан, Вакилга масалаларни Конституциявий судга қўриб чиқиши учун киритиш, суд мажлисларида қатнашиш ҳамда ушбу мажлислар чоғида қўрилаётган масалалар юзасидан ўз нуктаи назарини баён этиш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Парламент назорати тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Маъмурий қамқонни ўташ тартиби тўғрисида"ги ҳамда бир қатор бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг

Зиёда АШУРОВА,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Ёшлар масаласи доимий эътиборда

Самарқанд вилоятида мустақиллигимизнинг 26-йиллиги байрами арафасида маҳаллий ҳокимлик ташаббуси билан "Фидойинг бўлгумиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

### ТАДБИР

Хусусан, Самарқанд шаҳридаги "Ешлик" истироҳат боғида ушатирилган ана шундай тадбирга нурунийлар, фаол ёшлар, жамоатчилик вакиллари таклиф этилди. Унда шахар ҳоким-

лиги, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари, нурунийлар, имом-хатиблар ҳамда бошқалар иштирок қилди, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, олиб борилаётган улкан ислохот-

лар ҳақида сўз юритишди. Тадбир доирасида Самарқанд шаҳар бандликка қўмақлашиш маркази томонидан меҳнат ярмаркаси ташкил қилинди. Унда 84 та корхона-ташкilot, муассаса ва йирик

санот субъекти 893 та бўш ўрни билан қатнашди. Юқунда 19 та меҳнат шартномаси имзоланди. Бу каби лойиҳалар навқирон авлод вакилларида ватанпарварлик ҳиссини янада оширишга хизмат қилади, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси Рустам Қобилов. — Айниқса, кечяги ва бугунги куннинг гувоҳи бўлган нуруний отахону онахонлар ўғитлари,

маслаҳатлари келажагимиз ворисларини ҳозирги фаровон кунларни эъзозлашга ундайди. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ҳамда турли имтиёзли микрокредитлар олиш бўйича ташкил этилган семинар-тренинг иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, тадбир доирасида "Соғлом танд — соғлом ақл" шиори остида спортнинг

Мамадипр ЗИЁДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ

Инсон манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсадиридир. Бу борадаги ишлар кўлами, айниқса, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида янада кенгайди. Бунинг самарасини мавжуд муаммо ҳамда камчиликларга қарши муросасиз курашилиб, улар ечими топилаётгани, юртдошларимиз мурожаатларининг ҳеч бири эътибордан четда қолмаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Яқинда таҳририятимизга Андижон вилоятида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида аҳолига терминвал орқали хизмат кўрсатиш борасидаги камчиликлар, пластик карточка орқали ҳисоб-китобда сунъий муаммолар учраётгани, бунинг газетамизда ёритиш ҳақида мурожаат келиб тушди. Шу асосда масалани атрофлича ўрганиш, вазиятга ойдинлик киритишга ҳаракат қилдик.

## ТЕРМИНАЛ ЭНГ ҚУЛАЙ ҲИСОБ-КИТОБ ВОСИТАСИ

Аммо айрим ҳолатларда ундан фойдаланишга панжа орасидан қаралмоқда.

Авваламбор, айтиш жоизки, республикамизда замонавий банк хизмати турларидан бири бўлмиш пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш тизими, унинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган. Президентимизнинг 2017 йил 15 февралдаги "Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эса бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилган. Лекин унинг ижроси жойларда қай даражада таъминланмоқда?

Дастлабки журналистик суриштирувимиз "Андижон кўмир отказувчи" унитар корхонасида бўлди. 2016 йил давомида мазкур ҳўжалик юритувчи субъектда 12 миллиард 274 миллион 879 минг сўмлик ёқилғи айланмасига эришилган бўлса, шундан 4 миллиард 656 миллион 676 минг сўмлик қаттиқ ёқилғи аҳолига пластик карточкалар орқали сотилган. Қолган қисми эса нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан етакчи берилган. Ушбу корхонага қарашли мавжуд бешта кўмир омбори терминал билан таъминланган. Харидорлар ўзлари хоҳлаган усулда ҳисоб-китоб қилиш учун имконият мавжуд.

Бироқ тан олиб айтиш керакки, бу борадаги барча ишларни қониқарли, деб бўлмайди. Айниқса, яқка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлар томонидан аҳолига кўмир фақат нақд пул орқали сотилиши харидорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, амалдаги ҳужжатлартириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш кўмир отказувчи унитар корхоналари зиммасига юклатилган бўлишига қарамай, "ишбилармонлар"нинг бу жабҳадаги ноқонуний фаолиятлари ҳамон учраб турибди. Андижон шаҳри, Қўрғонтепа, Асака, Пахтаобод ва Избоскан туманларида мазкур йўналишда қилиниши керак бўлган ишлар бир талай.

Кўмир савдоси билан боғлиқ масалаларнинг ижобий ечимини топишда харидорлар истагини ўрганиш мўҳим аҳамият касб этади. Зеро, муаммо фақат терминвал билангина боғлиқ эмас. Оддий мисол, Андижон шаҳрида яшовчи фуқаро кўмир сотиб олиш учун ўзига энг яқин бўлган савдо шохобчаси ҳисобланмиш Асака туманидаги Ахати омборига бориши керак. Бу ортиқча харажат ва вақтин талаб этади. Шу боис ҳам шахар ва туманларнинг аҳолига қулай масканларида савдо шохобчаларини ташкил қилиш мақсадида мувофиқ. Ахир вақт кутиб тур-

майти. Ҳадемай, куз/киш мавсуми бошланади. Харидорлар энг кўп мурожаат қилишлари мумкин бўлган Андижон шаҳридаги "Дунё" савдо марказида ҳам нақд пулсиз савдо қилишда камчиликлар йўқ эмас. Чунки бу ерда 100 дан ортиқ тадбиркорлар фаолият юритишига қарамай, атиги иккита савдо дўкони терминал билан таъминланган, холос. Ачинарлики шундаки, қолган тадбиркорлар терминал билан таъминланмиш тўғрисида хатто банк муассасаларига мурожаат ҳам қилмаганлар. Бу борада қимни айбдор ҳисоблаш лозим? Тадбиркорнинг ёки уларнинг фаолиятини назорат этувчи мутасадди идораларини?

Андижон шаҳри ва бир қанча туманлардаги дехқон бозорларида бўлганимизда, мева-сабзавотларни пластик карточка орқали харид қилиш имкони йўқлигининг гувоҳига айландик. Гўшт маҳсулотлари билан савдо қилувчи кўплаб дўконлар терминал билан таъминланган, лекин пластик карточка-

ларга савдо қилинганда, устама нарх қўйиш ҳолатидан истёмоличлар зада бўлган. Жорий йилнинг беш ойида вилоят давлат солиқ инспекцияси томонидан мавзуга доир 788 та текшириш ўтказилган бўлиб, 226 та ҳолатда жойларда тўлов терминаллари мавжуд эмаслиги қайд этилди. 87 та ҳолатда эса терминал орқали савдо қилинганда нархнинг сунъий равишда оши-

аниқланди. Бу ҳам етмаганидек, 125 минг сўм нақд пуллик харид учун қасса чеки берилмади. 8 минг сўм нақд пул назорат-қасса машинасига кириб қилинмади. "Холис" савдо маркази худудида фаолият кўрсатаятган яқка тартибдаги тадбиркор Абдулло Жўраев фаолиятида қисқа муддатли текшириш ўтказилганда, савдо шохобчасига назорат-қасса машинаси ҳамда банк тўлов терминали ўрнатилмаганини маълум бўлди. Савдога қўйилган мувофиқлик сертификатисиз 5 турдаги, умумий қиймати 3 миллион 430 минг сўмлик қийимлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Чўлпон шохўчмасида жойлашган гўшт дўконда сотувчи тўловни банк пластик картасига устама ҳақ билан олаётганлигига дуч келдик. Яқка тартибдаги тадбиркор Абдулло Бердиевга қарашли савдо шохобчасида сотувчи харидордан тўловни пластик карточка орқали 5000 сўм устама билан қабул қилганилиги, қуллик савдодан тушган 25 минг сўм нақд савдо пулини назорат-қасса машинасига киритиб, бошқа мақсадларга сарфлаб юборганилиги, фаолияти давомида эса 2 миллион 591 минг 500 сўм нақд савдо пулларини назорат-қасса машинасига кириб қилиб, банк муассасасига топширмаганилиги аниқланди.

Афсуски, бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бирок ҳақли савол ўз жавобини топмаётганлиги ачинарли, албатта. Хўш, терминал орқали савдо қилиш, пластик карточкалар ёрдамида ҳисоб-китоб амалга оширилганда, савдо маданиятига риоя этиш юзасидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ҳақида қим қайғуради? Ўш қажини юз фоиз пластик карточкалар орқали олаётган ишчи-ҳодим нима учун терминал муаммоси туфайли азият чекиши керак? Бунга қим айбдор?!

Саволлар кўп, ечим эса... Мутасадди идоралар бу каби саволларга жавоб берадилар, деган умидимиз. Зеро, мамлакатимизда инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун.

Саманжон ҲУСАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



БИЗ ВА Жаҳон



Япониянинг Сендай ва Нагоя шаҳарларида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, маданияти ҳамда санъатига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди.



«Ўзбекистон Буюк Ипак йўлининг юрагидир»

Мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси ва ушбу мамлакатнинг "World Air-Sea Service" ҳамда "Hankyu International Travel" компаниялари билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирда парламент, ҳукумат, маданият ва ишбилармон доиралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбир давомида қатнашчилар эътиборига Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасини ривожлантириш, бу борадаги инфратузилмани модернизациялаш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва республикага келадиган меҳмонлар дам олишлари учун қулай шартношалар яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

"World Air-Sea Service" бош менежери Юко Такешита "Жаҳон" ахборот агентлигига берган интервьюси чоғида Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги йирик мамлакат ва улкан маданий бойликлар хазинаси, дея эътироф этди.

нинг юраги бўлиб, асрлар давомида илғор илм-фан ютуқлари ва кашфиётлари билан донг таратган заминдир, — деди Ю. Такешита. — Мамлакатларимиз ўртасида мустақам дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатилгани қувонарли ҳолдир. Тадбир давомида Ўзбекистон ҳақида тақдим этилган маълумотлар япониялик сайёҳ ва сармоядорларнинг юртингизга бўлган қизиқиши янада ортишига хизмат қилади.

«Жаҳон» АА Токио

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ИНСТИТУТИ қўйидаги вақант (бўш) лавозимларга танлов эълон қилади:

- Харбий-гуманитар фанлар кафедраси: доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, чет тили ўқитувчиси — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин.
Радиацион, кимёвий ва тиббий-биологик муҳофаза кафедраси: доцент — 1 ўрин, ўқитувчи — 2 ўрин.
Фавқулодда вазиятларда давлат тизими ва фуқаро муҳофазасини тезкор бошқарув кафедраси: доцент — 1 ўрин.
Муҳандислик муҳофазаси ва иқтисодий объектлари барқарорлиги кафедраси: доцент — 1 ўрин.
Кутқарувчиларни тайёрлаш ўқув-машқ маркази, Радиацион-кимёвий, биологик (бактериологик) муҳофаза ўқитувчиси — 1 ўрин.
Ахборот-ресурс маркази бошлиғи — 1 ўрин.
Илмий-амалий тадқиқотлар бўлими: етакчи илмий ходим — 2 ўрин, катта илмий ходим — 2 ўрин.
Зилзилани симуляция қилиш маркази: етакчи мутахассис — 1 ўрин, етакчи мутахассис (психолог) — 1 ўрин.
Ахборот-коммуникация технологиялари маркази: 1-тоифали мутахассис.

Танловда олий таълим муассасаларининг ҳаётий фаолият ҳавфсизлиги мутахассислиги бўйича ёки Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида камидан 5 йил фаолият юритган, магистр даражасига эга бўлган малакали ходимлар иштирок этиши мумкин.

Танловда қатнашиш истagini билдирган номзодлар тегишли ҳужжатларни Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти кадрлар бўлимига топширишлари шарт.

Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси — 2017 йил 15 август.

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика кўрғони, Анайбулоқ кўчаси, 3-уй. Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 266-50-36, 266-50-21. Электрон почта: igz\_mchs@mail.ru

«Respublika milk markazi» МЧЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига харбий қисмлардан бирига қарашли, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 25-уйда сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари такоран қўйилмоқда:

1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/042 SCA бўлган, «УАЗ-31512» русумли.

Бошланғич баҳоси — 1 615 000 сўм.

1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/441 SCA бўлган, «ЗИЛ-131-МТО-АТ-1М» русумли.

Бошланғич баҳоси — 10 512 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 22 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2017 йил 18 август куни соат 18.00.

Аукцион савдоси қолиби, деб топилган шахсга 10 кун мобайнида

сўтувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юқлатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабдорлар автотранспорт воситаси билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Талабдорлар мулкнинг умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда, савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 5 (беш) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika milk markazi» МЧЖнинг «Ипак йўли» АМТБ «Сағбон» филиалидаги қўйидаги охиқ рақамга тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

Гувоҳнома №001805.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси

инвестиция киритиш ва янги иш ўринлари яратиш эвазига «ноль» харид қийматида бепул берилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича очиқ танлов савдоларига тақлиф этади.

Table with 6 columns: T/p, Davlat mulki obyektining nomi, Joylashgan manzili, Balansda saqlovchi, Tanlov shartlari (Kiritiladigan investitsiya miqdori, Investitsiya kiriritish muddati, Yaratiladigan yangi ish uynlari soni). Rows 1-18 listing various assets and their auction details.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги ПФ-4933-сонли Фармониغا асосан, қўйидаги давлат мулки объектларининг ижарачисига объектни сотиб олиш учун устуқ ҳуқуқ берилади:

7. Собиқ 70-сонли МТМнинг бўш турган бино-иншоотлари
8. Собиқ музика ва санъат мактабининг бўш турган бино-иншоотлари
9. Бўш турган спорт зали биноси
10. Қон қуйиш бўлимининг бўш турган бино-иншоотлари
11. Сил касалликлари диспансерининг бўш турган бино-иншоотлари
12. Кўп тармоқли Марказий поликлиникага қарашли бўш турган бино-иншоотлар
13. Собиқ «Қалдирғоч» болалар оромгоҳи бино-иншоотлари
14. Автомобиль ва қишлоқ хўжалиги машиналари парки
15. Собиқ харбий қисмга қарашли бўлган бино-иншоотлар
16. Собиқ сил касалликлари шифохонаси биносининг 1-қисми
17. Собиқ сил касалликлари шифохонаси биносининг 2-қисми
18. Собиқ сил касалликлари шифохонаси биносининг 3-қисми

Объект фойдаланишида бўлган ер майдонлари оптимизация қилинади ва ортиқча ер майдонлари туман ҳокимлиги захирасига олинади.

Танлов ўтказиш мuddати — талабдорларнинг тақлифлари билдирилган конвертлар 2017 йил 5 сентябрь куни соат 15.00 да қўйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Қўрсарой майдони, 1-уй, Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносидан очилади.

Танлов савдоси шу куни бўлиб ўтмай қолган тақдирда, такоррий танлов савдолари ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари соат 15.00 да вилоят ҳокимлиги ҳудудий танлов комиссияси томонидан ўтказилади.

Танлов савдолари натижалари бўйича қолиб қолган баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади. Инвестиция киритиш мобайнида яратилган иш ўринлари, фаолият кўрсатиш йўлга қўйилгандан сўнг кейинги 1 (бир) йил давомида сақланади.

Танловда қолиб, деб топилган талабдор шартнома имзолангандан кейин 30 кун мuddат ичида танлов объектини мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолалади, бунда баҳолашга кетадиган сарф-харажатлар танлов қолиби томонидан қопланади.

Ҳудудий танлов комиссияси кўриб чиқиши учун муҳрланган қўйилган конвертда танлов тақлифини тақдим этган ҳолда, танловда қатнашиш учун бюрорнома қабул қилиш танлов савдоси ўтказилиши тўғрисида эълон чоп этилган санадан бошланади ва 2017 йил 31 август (жума) куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Дастлабки савдо санасида сотилмаган давлат мулки объектлари бўйича ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари уюштириладиган танлов савдоларида қатнашиш учун тақдим этиладиган бюрорнома ҳар ҳафтанинг

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонучилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 79 848 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Тахрирнинг қилган қўлималар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етакчи берилиши учун обунани расмийлаштириш таъминот жавобгар. Газета тахрират компьютер марказида туралди ҳамда оператор Ж. Тоғиев томонидан сақланади.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — Д. Улумуродов. Мусоҳах — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.05. Топширилди — 23.50 1 3 4 5 6